

ПУДПАТ ШАРТНОМАСИ №4

2022 й. «15» « декабрь

Бўстон ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликкальа тумани хокимияти номидан Низоми асосида иш кўрувчи С.Авезов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Исламбай Рейимов МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи И.Рейимов иккинчи томондан, Элликкальа туман хокимияти аёллар дафтарига киритилган аёлларни ўй жойларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва объектни фойдаланишга тайёрхолда қуришга доир пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шарномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчига” берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар- пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш- ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II- ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шарнома шартларига Элликкальа туман хокимияти аёллар дафтарига киритилган аёлларни ўй жойларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III- ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «09» декабрдаги лот 194931-сонли байённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар, **ҚҚС 15% 19 128 260 (ўн тўққиз миллион бир юз йиғирма саккиз минг икки юз олтмиш)** сўм 86 тийинни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 146 650 000 (бир юз қирқ олти миллион олти юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқирилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номива манзили туғрисида хабардор қилиш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш туғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10.Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11.Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тўшган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30кунни ташкил этади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14.Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади,бу **43 995 000 (қирк уч миллион тўққиз юз тўқсон беш минг) сўм 00** тийинни ташкил этади, қолган 70% яъни **102 655 00 (бир юз икки миллион олти юз эллик беш минг) сўм 00** тийин маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади .

VIII..ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар .

18.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар , у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек,қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрилиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради.Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22.Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

Х.КАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи :

барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини ;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари , қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини ;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларини кўрсатилган , сертификацияларга , давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни; объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XI.ТОМОНЛАРНИНГМУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди , бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга , қурилиш меъёрлари ва қоидаларига , иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса , у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 % миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

26.Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда , мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида , шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

27.Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайди.

28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

29.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

30. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди: қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини; моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

31. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

32. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

33. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

34. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

35. Ушбу шартнома туман “Ғазначилик” бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, **2022 йил 31 декабргача** ўз кучида қолади.

36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

38. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (Знусхада) тузилди.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БУЮРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
Элликқалъа туман ҳокимияти	ISLAMBAU REIMOV MCHJ
Манзил: Бустон ш Тел./факс	Манзили: Элликқалъа тумани
ш/х* 305122860352507109602018001	Тел факс 97-059-95-00
бюджетдан маблағ олувчи	х/р:2020 8000 5050 5500 4001
СТИРи 200 914 193 ОКОНХ 97 600	Банк номи: Халк банк Элликқалъа ф.
Ғазначилик бўлимси номи	ИНН:306 325 129 МФО: 00646
Элликқалъа Ғазначилик бўлимси	ОКОНХ:
Ғазна х/в 23402000300100001010	
Банкнинг номи МФО 00014	
ғазначилик бўлин-и СТИРи 201 122 919	
Рахбари: 	Рахбари: 
С.Авезов	И. Райимов

ири  
шартнома Ғ.Р. Ғазначилик
ное равишда тузилган

«Тасдиқлайман»

Элликқалъа туман Хокими

С.Авезов

«15» 2022 йил

Элликқалъа тумани Хокимиятининг 2022 йил Аёллар дафтарида киритилган хотин кизларнинг уй жойларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун ажратилган маблағни мақсадга мувофиқ харажат қилиш бўйича тузилган «Энг яхши таклифларни танлаш» комиссиясининг йиғилиш

БАЁННОМАСИ № 33

Элликқалъа тумани Хокимиятининг 2022 йил Аёллар дафтарида киритилган хотин кизларнинг уй жойларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун.

Комиссия раиси
Комиссия аъзоси
Комиссия аъзоси
Комиссия аъзоси
Комиссия аъзоси

Р.Абабеков
Ю.Юсупов
Д.Атаханов
С.Хужамбергенов
Ж.Раджапов

Бош мутахассиси
Бош хисобчи
Бош мутахассиси
Бош мутахассиси
Бош мутахассиси

Тингладди

1. Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил сметасида белгиланган маблағдан Аёллар дафтарида киритилган хотин кизларнинг уй жойларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун ташкил қилинаётган қурилиш ишларида қуйидаги “ISLAMBAV REIMOV” МЧЖ, ва “BOSTON UNIVERSAL-STROY” МЧЖлар такдим қилган тижорат таклифлари кўриб чиқилди.

Ушбу таклифлар бўйича комиссия Элликқалъа тумани Аёллар дафтарида киритилган хотин кизларнинг уй жойларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун ташкил қилинаётган қурилиш ишлари 22110012194931-сонли лотга 2022 йил 09 декабрь кунги баённома билан “ISLAMBAV REIMOV” МЧЖ, энг яхши таклифни танлаш ёлиби булиб бу юзасидан 2 (икки) иш куни муҳокамада турди ва ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмади.

Унга кўра қуйдаги Товар (иш хизмат)ва махсулотлар етказиб берувчилардан қуйдагича таклифлар тушди:

№	Товар иш хизматлар номи	Лот номери санаси ва бошланғич суммаси	Миқ дори	“ISLAMBAV REIMOV” МЧЖ	“BOSTON UNIVERSAL- STROY” МЧЖ	
Ташкилот манзили:				Элликқалъа тумани	Элликқалъа тумани	
Ташкилот СТИРИ				308325129	308649055	
1	Аёллар дафтарида киритилган хотин кизларнинг уй жойларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш	Лот № 22110012194931 146 979 007 сум	1	146 650 000	146 829 000	
2	Умумий бал			90	82,8	
ЖАМИ:				146 650 000	146 829 000	
Алоҳида шартлар				Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади.		

Комиссия раиси Р.Абабеков сўзга чиқиб, бу ташкилотлар ичида “ISLAMBAŸ REIMOV” МСНҲ Аёллар дафтарига киритилган хотин кизларнинг уй жойларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш сифатли кафолатини беришини айтиб ўтди ва 2 (икки) иш куни муҳокамаси якунланиб ҳеч қандай таклиф ва шикоятлар келиб тушмагани сабабли

Қарор қилади :

1. “ISLAMBAŸ REIMOV” МСНҲ Аёллар дафтарига киритилган хотин кизларнинг уй жойларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш сифатли ва кафолатини беришни инобатга олиниб, шу қоржона билан шартнома тузилсин.

2. Ушбу Аёллар дафтарига киритилган хотин кизларнинг уй жойларини жорий таъмирлаш ишларини олиб боришни назорат қилиш ва ушбу қарорнинг бажарилишини қабул қилиб олиш Ж.Раджаповга юклатилсин.

3. Ушбу қарорга асосан икки томонлама шартнома тузиш бош ҳисобчиси Ю.Юсуповга ва белгиланган маблағни пул ўтказиш йўли билан ўз вақтида амалга ошири юклатилсин.

Комиссия раиси :



Р.Абабеков


Комиссия аъзолари :



Ю.Юсупов



Д.Атаханов



С.Хужамберганоф



Ж.Раджапов